ЁШЛАР АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИ ЗГАЛЛАМОҚДА

Андижон Давлат университетида "ЎзДЭУавто" автомобилларига техник хизмат кўрсатувчи мутахассислар тайёрлаш бошланди.

Курсда ўқувчиларга корейс ва инглиз тилларида хисоб-китоб, бизнес-тадбиркорлик, бозор иқтисодиёти илми ўргатилади. Ўқиш якунида ўқувчилар автомобиль заводининг мутахассислари имтихонидан ўтадилар.

Яқинда қўшма корхонада ишлаш учун тайёрланган 118 нафар ўқувчи имтихонлардан ўтди.

Ахмадилло СОЛИЕВ.

ЙИЛ ОБЛУН 29 МАЙ

ЧИМБОЙ ЧИННИСИ

Чимбойдаги "Ўтов" ҳиссадорлик жамияти ҳунармандлари ўтган йили салкам 3 миллион сўмлик ўтов тайёрлаб сотди. Корхонада турли сопол буюмлар ҳам ишлаб чиқарилянти.

Жамоа ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш йўлида изланмоқда. БМТ томонидан грант сифатида берилаётган 200 минг АҚШ доллари бу борадаги муҳим ишларни амалга оширишда мадад бўлади.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ХУНАРМАНДЛАР БОЗОРИ

Денов шаҳар маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси хунармандлар учун бозор куриб берди. Энг яхши дўппини, энг арзон сандиқни сотиб хондарёликлар шу бозордан харид қиладилар.

—Ишимиз равнақ топаяпти, — дейди уюшма раҳбари Раҳмат Хўжаев.—Косибчилик устахоналарини цехларга, цехларни фабрикаларга айлантириб юборсак ажаб эмас.

Олимжон УСАНОВ.

ЙИЛ ОБЛУН 29 МАЙ

ЎЗБЕК МЕЪМОРЛАРИ МАҲОРАТИ

Ўзбекистон халқ устаси, ганч ўймакори Мансур Муродов раҳбарлик қилаётган фирма Малайзиянинг "CAS" фирмаси билан биноларни таъмирлашга доир ҳамкорлик шартномасини имзолади.

Қадимий Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг ноёб меъморий обидаларидаги миллий безаклар асосида яратилган нақш гуллар Малайзия пойтахтида бунёд этиладиган биноларга кўчадиган бўлди.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 29 май, пайшанба № 62 (22.146).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСЛАРИ

«Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** номли китобини ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқарди.



Мазкур китоб давримизнинг энг муҳим ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муаммолари таҳлилига бағишланган.

Китобнинг **«Хавфсизликка таҳдид»** деб номланган биринчи бобида минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари, экологик муаммолар ҳар томонлама изчил таҳлил қилинади.

«Барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари» деб номланган иккинчи бобда эса истиқлол йилларида Ўзбекистонда рўй берган оламшумул ўзгаришлар хусусида фикр юритилади. Жумладан, миллий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши, давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шакланиши, юртимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиши, мамлакатимизнинг жўғрофий-стратегик имкониятлари ва табиий-хом ашё ресурслари, инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси, жамиятимиздаги кенг кўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик масалалари бугун оламда рўй бераётган мураккаб ва жўшқин жараёнлар билан бевосита узвий боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади.

Бу китобда муҳокамага қўйилган мавзунинг ўзи — яъни, хавфсизлик, барқарорлик, мамлакатнинг собитқадамлик билан ривожланишига эришиш масаласи моҳият эътибори билан давлат мустақиллиги ва суверенитетига, халқ эркинлиги ва тенглигига эришишнинг асосий мазмуни, айтиш мумкинки, пировард ва олий мақсадидир.

Китобда ана шу улуғ мақсад йўлида турган муаммолар ва таҳдидлар чуқур илмий ёндашув ва холислик билан ёритилган. Бу муаммо ва таҳдидларни аниқ тушуниш эса жамиятни бирлаштиради, жипслаштиради, ҳар бир кишига ўзининг масъулиятини, ўз ўлкаси, жонажон Ватанининг тарихи ва ҳаётидаги мураккаб воқеаларга дахлдорлигини пухта идрок этиш, янада теранроқ англаш имконини беради.

(ЎзА).

МИЛЛИЙ МАРКАЗДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Ҳамжамияти вакили, Франциянинг интеллектуал мулк бўйича ТАСИС дастури раҳбари Э. Рокиччиоли ва Белгия аудиовизиуал муаллифлар халқаро ассоциацияси раҳбари Ж. Корреа инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ташриф буюрдилар.

Суҳбат чоғида Миллий марказ директори А. Саидов меҳмонларга инсон ҳуқуқлари борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқий давлат мафкурасини ривожлантиришни илмий режалаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий концепциясини яратиш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Европа Ҳамжамияти ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Борис Ельцин, Хавьер Солана ва НАТО аъзоси бўлган мамлакатлар раҳбарлари Парижда НАТО ва Россия муносабатлари ҳақидаги ҳужжатни имзоладилар.***

* * *

☑ ***Словакия ташқи ишлар вазири Павол Гамжик ўз лавозимидан истеъфога чиқишини айтди.***

* * *

☑ ***Россия Бош вазири В. Черномирдин бир кунлик ташриф билан Украинага келди.***

* * *

☑ ***Парижда Россия Президенти Борис Ельцин ва АҚШ Президенти Билл Клинтон учрашдилар.***

* * *

☑ ***БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари Садако Огата расмий ташриф билан Қирғизистон пойтахтига келди.***

* * *

☑ ***Яқин вақт ичида олий даражадаги Исроил-Миср иккинчи учрашуви ўтказилиб, унда Ясир Арофат ҳам иштирок этиши мумкин.***

* * *

☑ ***Албания пойтахтига Европа Иттифоқи хавфсизлик ташкилоти кузатувчиларининг биринчи гуруҳи ташриф буюрди.***

* * *

☑ ***Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида «Индустрия—97» халқаро кўргазмаси очилди.***

* * *

☑ ***МАГАТЭ бош директорининг баёнотига кўра, Ироқдаги ядро тадқиқотлари ғарблик мутахассислар ёрдамида амалга оширилган.***

* * *

☑ ***Россия божхона ходимлари швейцариялик ҳамкасблари билан биргаликда 10 килограмм қора дорини контрабанда йўли билан Ғарбга олиб чиқмоқчи бўлган гуруҳни қўлга олдилар.***

* * *

☑ ***Варшава воевода суди 4 июнь куни Сергей Станкевични Россия ҳуқуқ-тартибот органларига топшириш-топширмаслик масаласини кўриб чиқади.***

Шаҳрисабз шарбатининг шуҳрати

Шаҳрисабз консерва заводи кейинги бешолти йилда энг замонавий ишлаб чиқариш ускуналарига эга бўлди. Бир неча йилдан буён Олмония, Голландия каби мамлакатларга томат ҳалими, мева шарбати жўнатяпти. Айтиш мумкинки, корхона маҳсулотлари ҳар жиҳатдан хорижий харидорларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Мамлакатимиздаги йирик бу корхонанинг шарбат қуйиш цехини такомиллаштириб, Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасини ташкил этиш режаси амалга оша бошлади. «Шаҳрисабз-консерва» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, Англиянинг Марказий Осиёдаги инвестиция компанияси ва «Ўзмевасабзавот» бирлашмаси қўшма корхона таъсисчиларидир. Қўшма корхонани ривожлантириш учун ҳозирдан 4 миллион АҚШ доллари ажратилган. Айни кунларда жиҳозлаш ва бошқа тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги ускуна ва технология асосида тайёрланадиган маҳсулотлар бир неча ойдан кейин харидорларга етказила бошланади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОНУНЛАРИМИЗ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим.
Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, бугунги кун учун ниҳоятда долзарб бўлган масалаларни ўртага ташлади. Ҳақиқатдан ҳам биз ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйган эканмиз, халқнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, демократик тамойилларнинг кишилар онгига теран сингиб боришига эришишимиз лозим. Халқимизнинг ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш, унинг ислоҳотлар ижрочиси сифатидаги фаоллигини ошириш муваффақиятларимиз гаровидир.

Учрашувда таъкидланганидек, мамлакатда адолат тамойиллари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда, ана шу уч субъект — давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади. Улар бир-бирининг ҳуқуқини яхши билиши ва ҳурмат қилиши осойишталик ва фаровонликнинг зарур шарти ва муҳим омилидир.

Маълумки, асосий қомусимиз-Конституциямизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринга қўйилган. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас. Шу билан бирга фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш жараёнида давлат ва жамиятнинг ёки мансабдор шахсларнинг қонуний манфаатларига путур етказувчи ҳар қандай ҳаракатлардан тийилишлари билан бирга бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига бирор-бир тарзда зарар етказмасликлари шарт.

Ўзбекистон халқи давлатимиз ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир. Шундай экан, фуқароларнинг бузилган ҳар қандай ҳуқуқларини тегишли органлар қонунларимизга асосланган ҳолда ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилишлари зарур. Чунки бизда демократиянинг умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Қонунларимизда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини, эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқий кафолатланган. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг қатор сессияларидаги маърузаларида «Суд фақатгина жазоловчи орган сифатида танилмасдан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳақиқий мустақил органга айланиши, судга ҳамма ҳурмат билан қараши лозим»лиги ҳақида таъкидлаганлари бежиз эмас.

Қонун талабларидан келиб чиқиб, амалиётда фуқароларнинг мурожаатларига муносабатимиз қандай бўлиши лозимлиги ҳақида фикр юритмоқчиман.

Аввало, фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши биладиларми?

Ҳуқуқ ва бурчлар масаласидаги қонунларимиз талаби, Президентимиз Фармонлари ҳамда Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларимизнинг асл маъносию моҳияти мансабдор шахсларимиз томонидан ўрганилиб, оммага етказилаяптими?

Масаланинг ана шу жиҳатлари ҳамма нарсадан ҳам муҳимдир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз мазкур учрашувда «Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим», — деди.

Давлатимиз фуқаролари ҳамма томонлама юксак маданиятли, ҳуқуқий билими юқори даражада бўлиши зарур.

Фуқароларимиз қайси масалани ўзи ишлаб турган корхона ёки хўжалик раҳбари, қайси бирини туман, вилоят ҳокими ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, судлар эътиборига ҳавола қилишини билишлари лозим. Акс ҳолда ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам сарсон қилиб қўядилар. Ҳозир барча ташкилот, корхона ва жамоа хўжаликлари, жумладан, ҳокимиятлар ҳузурида ҳуқуқшуносларнинг фаолият кўрсатмоқда. Ана шу ҳуқуқшуносларнинг жойлардаги адлия бошқармалари ходимлари билан биргаликда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда бош-қош бўлишлари лозим. Бу борада маҳаллий ахборот воситалари, радио ва телевидение имкониятларидан фойдаланиш яхши самара беради. Қонун талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, мансабдор шахслар фуқароларнинг мурожаатларига нисбатан ҳамиша сезгир ва ҳозиржавоб бўлишлари талаб қилинади.

Фуқароларнинг мурожаатларига эътибор бериш, уларни эшитиш, ҳар қандай баҳоналарни рўкач қилиб, уларни қабул қилишдан четланиш мансабдор шахслар учун мумкин эмаслигини тушуниб етишимиз шарт. Фуқаронинг ҳар қандай мурожаати мазмунида инсон ҳуқуқлари ётади, инсон ўзининг барча ҳуқуқлари билан инсондир. Шу сабабли давлатимиз раҳбари қайд қилинган учрашувда фуқароларнинг мурожаати масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб, Ўзбекистон инсон ҳуқуқини таъминлаш борасида дунёда ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаслигимиз кераклигини таъкидлаб ўтди.

Хўжалик раҳбарлари ҳар бир хонадон аҳволидан хабардор бўлишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билиши зарур. Арз қилувчининг ҳақиқий аҳволини билмай туриб, қилинган мурожаатга холис жавоб бериш қийин. Биз мурожаат қилган шахснинг келтирган важларини ижобий ҳал этиш имкониятига эга ёки эга эмаслигимиздан қатъи назар, фуқарони эшитишимиз, арзини тинглаб, тегишли жавоб ёки тушунча беришимиз шарт.

Судларда кўриладиган ва кўрилган фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича бериладиган ариза ва шикоятларни айрим тартиб ва қоидалари ҳақида гапириш билан бирга, унга барчани қатъий риоя қилишларини мақсадга мувофиқ деб биламан. Чунки, бу аҳолининг ҳуқуқий савиясини ошириш билан боғлиқ муҳим масалалардан биридир. Туман судлари томонидан чиқарилган ҳар қандай қарорлар устидан фақатгина прокурор, ҳимоячи, судланган шахс ёки уларнинг вакиллари, жабрланувчи, фуқаролик даъвогари, фуқаролик жавобгари ёки уларнинг вакиллари юқори судларга ўз эътирозлари билан мурожаат қилишлари мумкинлиги қонунда кўрсатилган. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида мурожаатлар, уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлган органларга йўлланилиши белгиланган. Ариза, шикоятлар, умуман фуқароларнинг мурожаатлари мазмунига кўра таллуқли идорага юборилиши лозим. Бу қонун талабидир.

Судларда ишларнинг қонунийлигини таъминлаш мақсадида бир қанча босқичлар борки, кейинги босқич ўзидан олдинги босқичда ҳал этилган ишларнинг қонунийлигини текширади. Бу тартиб жаҳон қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Бизнинг қонунларимизда бу масалага янада кенгроқ ўрин берилган. Туман (шаҳар) судлари томонидан кўрилган ишлар устидан қонунда ваколат берилган шахслар тегишлича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар (Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қуролли Кучлар ҳарбий суди, Тошкент шаҳар ва вилоятлар судлари)га кассация тартибида ўз эътирозларини билдириб, шикоят қилишлари мумкин. Вилоят ва унга тенглаштирилган судларда кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича юқорида қайд этилган шахслар дастлаб шу судга назорат тартибида мурожаат қилишлари лозим.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларда назорат тартибида кўрилган ишлардан норози бўлган қонунда ваколат берилган шахслар, тегишли суд ҳужжатларини шикоятларига қўшиб республика Олий судига назорат тартибида мурожаат қилишлари мумкин.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларда биринчи босқичда кўрилган ишлар юзасидан қонунда белгиланган тартибда республика Олий судининг судлов ҳайъатига кассация тартибида мурожаат қилинади. Қонунда ваколат берилган шахслар судлов ҳайъатининг қароридан норози бўлсалар, у ҳолда яна шу Олий судга, энди назорат тартибида бир неча бор мурожаат қилишлари мумкин. Чунки, Олий суднинг ўзида тўрт босқич мавжуд, ҳар бир босқич ўзидан олдинги босқич кўрган ишларни батафсил текшириб чиқиб, қонун талаби қайсидир йўсинда бузилган деб топилса, олдинги қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш ваколатига эгадир. Демак, қонунда ваколат берилган шахслар туман судининг чиқарган ҳар қандай қароридан норози бўлсалар, ўз эътирозлари билан олти суд босқичига мурожаат қилишлари мумкин. Шунинг учун ҳам суд томонидан қабул қилинган қарорларга баҳо беришга фақатгина ундан юқори турган суд босқичи ваколатлидир. Бундан шундай қонуний хулоса қилиш керакки, судлов ишлари бўйича бошқа органларга келиб тушган ариза ва шикоятлар тааллуқлилиги бўйича суд органларига юборилиши керак. Булар судлар томонидан мустақил кўриб чиқилади ва ҳал этилади. Ҳуқуқий демократик давлатнинг асл моҳияти ҳам шунда.

Ҳуқуқий маданият

Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси.

«СЕН ОНАМ, СИНГЛИМСАН, ЁРИМСАН АЗАЛ...»

Миллат ва маънавият

Яқинда шундай ҳодиса рўй берди: Волинск вилоятидаги «Мотор» заводида қоровул бўлиб ишлаётган Виктор М. ҳамманинг кўз олдида гулчамбар ясашга киришди. Ундан: «Буни ким учун қилаяпсан?» деб сўрашганда «Ўзим учун» дея жавоб берди. Лекин ҳеч ким бунга эътибор бермади. Ниҳоят, гулчамбар тайёр бўлди ва қоровул уни расамадини келтириб, биқинига қўйди-да, милтиқни олиб, ўзини ўзи отди...

Бунга сабаб, дея ёзади «Труд» газетаси, яқинда унинг хотини оламдан ўтган. Ўзи эса гарчи яхши мутахассис бўлса-да, қисқартишга тушган, тўрт томонга югуриб топган иши кўнглига ўтирмаган... «Ўлимидан олдин у завод директорига кириб, қарзга пича пул топиб беришларини сўраган, аммо кассада ҳеч вақо бўлмаган».

Россияда бундай ҳодисалар янгилик ҳисобланмайди. Бир-бирининг тақдирига лоқайд кўз билан қараш, юртбошимиз айтганидек, инсоннинг фақат ўзи учун, ўз манфаатларини кўзлаб яшаши кўпинча фожиага олиб келади. Бунинг ёрқин мисолини Габриел Гарсиа Маркеснинг «Ошкора қотиллик қиссаси» асарида ҳам кўриш мумкин.

Қиссада адиб Сантьяго Носарнинг алал-оқибат ўлимига сабаб бўлган ака-укалар хатти-ҳаракати мисолида индивидуалистик руҳдаги жамиятнинг аянчли томони — инсонларда бир-бирлари тақдирига лоқайд қараши, меҳр-оқибатнинг ўртадан кўтарилиши ва шунинг натижасида туғиладиган кулфатни теран ифода этган. Гарчи ака-укалар ҳаммага эшиттириб, биз шуни ўлдирамиз, десада, қўй, бундай қилма, дейдиган одам топилмайди, одамлар қотилликнинг томошабинига айланади.

Агар воқеликка шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, халқимизнинг азалий гўзал удумлари янада бўртиб кўзга ташланади. Халқимиз тўйларда ҳамиша яктан, Президентимиз таъкидлаганидек, оғир, мусибатли кунларда ҳам бир-бирига таянч: кўнгил сўрайди, Оллоҳдан сабр-тоқат тилайди.

Тўйга бормасанг, эҳтимол, билинмас, аммо азадан ўзингни четга тортсанг, элдан чиқиб қоласан.

Ёзувчи Тўлапберган Қаипбергановнинг ҳикоя қилишича, бобоси ўлганда отаси унга дафн маросимида қатнашмай қўя қол, келажагингга зиён-заҳмат етмасин, деган. Ўзини эса маросимдан қайтган ҳамоно тутиб олиб кетишган. Гуноҳи — отасининг дафн маросимида уч-тўрт қарияни тўплаб, жаноза ўқитгани экан...

Бундай ҳодисалар истиқлолга қадар узлуксиз рўй бериб турганлиги учун ҳам биз азалий удумларимизни бир қадар унутдик. Сабр-тоқат, шукроналик, нафсий хотиржамлик, тавозе, илмпарварлик, ҳаёлилик, вафодорлик каби сифатлар, меҳр-оқибат ҳамиша халқимиз учун хос бўлиб келган. Гоҳо биз, Президентимиз айтгандек, дафн маросимларига дўппи кийиб боришни ҳам ўзимизга эп кўрмаймиз.

Киндик қони тўкилган юрт. Унга кўрк, файзу тароват бағишлаган халқимизнинг саховати, келинчаклар ибоси, қизларимиз ҳаёси, меҳр-оқибат. Маҳалламизда Нина Сергеевна деган муаллима яшайди. У нафақага чиққач, Оренбург шаҳрига кўчиб кетди. Бироқ, орадан ярим йил ўтар-ўтмас яна Самарқандга қайтиб келди. Маҳалладошлари уни «Хуш келибсиз, Нина опа!» дея қучоқ очиб кутиб олишди. Опанинг ўзига ноўнғай бўлган пайтларда унинг жонига оро киришди.

☑ Қиёси йўқ бу гўзал бўстон
☑ Меҳр-оқибат
☑ Буюк келажакка замин

Бир куни Нина Сергеевна кўзига ёш олиб, ҳасрат қилиб қолди:

— Мен ёшим бир жойга борганда хато қилдим. Москва газеталаридаги гапларга учиб Россияга — Оренбург шаҳрига кўчиб бордим, ўз туққан қизимникига. Куёвим қарайди, қарилик гаштини сураман, невараларимни тарбия қиламан деган хаёлда эдим. Аммо бу орзу-ҳавас, ўзим эшитган гаплар пуч бўлиб чиқди. Менинг она-Ватанимдаги қадр-қимматим, агар ишонсангиз, қизим билан куёвимнинг Жек деган итичалик ҳам бўлмади. Қаҳратон қишда мен яшаган хона иситилмаслиги сабабли шамоллаб, ётиб қолдим. Қани энди, ҳол-аҳвол, жиллақурса, кўнгил сўрайдиган бир одам топилса. Дард оғир кечди. Касал ҳолимда нонга ҳам, дорихонага ҳам ўзим югураман. Жонимга оро кирадиган, ҳожатимни чиқарадиган ҳеч ким йўқ. Қўшнилар-ку, майли, фарзандларнинг бор-йўқлиги билинмайди. Одам ўлиб қолса ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ. Шу даражада улар бир-бирларига бефарқ қарашади. Ҳатто яқин қўшнилар ҳам зўрма-зўраки саломлашадилар.

Шундай оғир дамларда Ўзбекистон кўзимга олов бўлиб кўринди, бу ердаги жамоатчилик, ўзбек оилаларининг аҳил-тотувлиги, одамларнинг бирбирига меҳр-оқибати, иззат-ҳурмати, маҳалламнинг ҳамжиҳатлиги... Нимасини айтасиз, ука, мен Россияга бориб, олти ой яшаб, шу ёшга кириб топган ҳамма нарсамни йўқотиб қўйгандек бўлдим. Ўзбекистонни қайтадан кашф қилдим. Ота-она, қариндош-уруғ ва кексаларга бўлган бу ердаги иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат нақадар кучли.

Агар мен Ўзбекистонимда касал бўлиб қолсам, ёлғизланиб қолмас эдим. Қўни-қўшнилар бир кун мени кўрмай қолишса, албатта сўраб келишарди. Бетоб бўлиб ётганимда ҳамсоялар таом киритишар, бозор-ўчаримни қилиб, рўзғор юмушларини ўз гарданларига олишарди. Энг муҳими, ширинсўз ва меҳрибончиликлари билан кўнглимни кўтаришарди. Инсоннинг кўнглига малҳам шу эканлигини мен Россияда аянчли аҳволга тушганимда англаб етдим...

Оёққа туришим билан жомадонимни олдим-да, ўзим яшаган маскан — Самарқандга қараб равона бўлдим. Энди мен ўз она Ватанимдаман, ўз туғишган оға-иниларим бағридаман. Буни қарангки, тезда соғайиб ҳам кетдим...

Нина Сергеевна ўз ҳасратларини кўз ёшлари билан қўшиб айтди. Президентимиз Ислом Каримов тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳамда яратувчилик ишига халқни сафарбар этганлигини таъкидлаб, ўзимизнинг аялар каби юртбошимизни дуо қилдилар.

Нина Сергеевнага ўхшаган, Россияга бориб тағин Ўзбекистонга қайтиб келган, келаётган кишилар оз эмас.

Андижонлик Ольга Раковская гарчи фарзандлари Москвага кўчиб кетишганда ҳам ёшлиги ўтган диёрини азиз билган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур юртида қолган. Кейинчалик қизлари қистагач, Москвага борган.

— Автобусда, троллейбус, метрода ҳам одамларнинг муносабати менга ёқмади, — дейди Ольга Михайловна. — Сен ёшмисан, қаримисан, бировнинг иши йўқ, инсоний муносабат шунақа. Қизим билан Қизил майдонга бордик. Тўғриси, бу жой қаланғи-қасанғи, ароқхўрларнинг ёйма бозорига айланган. Тарихий обидаларни бузиб, савдо расталари ўрнатиш авжида. Ҳар қадамда-тиланчи. Нима учун тиланчилик қилаётганини тахтага ёзиб, бўйинларига осиб олишган.

Бир куни қизим ишга кетгач, шаҳарни айлангани чиқдим. Ҳаво совуқ, ҳали муз эримаган эди. Сирпаниб йиқилдим, қани энди, бирон киши қўлтиғимдан олса. Нуқул хўмрайишади. Шунда бир йигит жонимга оро кирди, раҳматимни айтиб, — бу ерликка ўхшамайсиз? — деб сўрадим. — Ўзбекистонликман, — деди у. «Ўзбекистон» деган сўзни эшитиб, юрагим тўлиб кетди. Ўзимни тута олмай, йиғлаб юбордим.

Мен Андижонга қайтаётиб, қизларим ҳам ўзлари туғилиб ўсган жаннатмакон юртни ҳаддан ташқари соғинишганини ҳис этдим...

Ҳа, Ўзбекистон жаннатмакон юрт. Мамлакатимизда яратувчилик иши кенг қулоч отган. Бунинг самараларини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас. Тошкенти азимни пиёда айланмоқ кифоя. Темурийлар даври тарихи давлат музейи, унга бақамти Амир Темур ҳайкали. Кунчиқиш тарафда хароба иморатлар ўрнида кўркам хиёбон, замонавий меҳмонхона...

Сиз ҳар бир қадамда мислсиз яшаришнинг шоҳиди бўласиз.

Бу-маънавий дунёда янада яққол кўзга ташланади. Куни кеча «Туркистон» саройида «Мустақиллик — бахтимиз, толеимиз, камолимиз» мавзуида халқаро мушоира бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиёнинг турли миллатга мансуб атоқли шоиру адиблари иштирок этди. Чингиз Айтматов раислик қилди.

Тошкентда халқаро киноанжуман ўтаётир. Ҳадемай, Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иш бошлайди. Айни пайтда Президентнинг «Умид» жамғармаси минглаб ёшлар орасидан саралаб олган иқтидорлар жаҳоннинг энг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиш учун парвоз қилишади...

Булар ҳаммаси буюк келажакка яратилган заминдир. Зеро, Президентимизнинг нияти эзгу: XXI асрга соғлом авлод етиштирайлик. Фарзандларимиз кучли, маънавий баркамол одамлар бўлишсин. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан биздан ўзиб кетишсин!

Абдумалик МАЖИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«АҲВОЛ ҚАЛАЙ, НЕКТЕР?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1997 йил 1 апрель сонида чоп этилган «Аҳвол қалай, нектер?» сарлавҳали мақоласи бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз.

Ушбу мақола бўйича тумандаги маъмурий орган ходимлари, туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари, тадбиркорлар ва кийим-кечак бозори маъмурияти, ишчи-хизматчилари билан кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Тумандаги маъмурий ташкилотлар биргаликда мақолада келтирилган фактларни ўрганиб кўриб, камчиликларни тугатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар белгиладилар.

Хазорасп кийим-кечак бозоридаги камчиликларни тугатиш бўйича туман давлат инспекциясига, маъмурий органларга ва бозор маъмуриятига кўрсатмалар берилди ва бажарилиши қаттиқ назоратга олинди.

Туман тадбиркорлар палатасига тумандаги барча тадбиркорлар билан учрашиб, бундай камчиликларнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш топширилди.

Хазорасп туман ҳокимлиги тегишли ташкилотлар билан биргаликда мақолада келтирилган камчиликларнинг такрор содир этилмаслиги бўйича барча зарур чораларни кўрадилар.

Хазорасп туман ҳокимининг ўринбосари А. ҚАЛАНДАРОВ.

«ҚЎЙНИМИЗ ПУЧ ЁНҒОҚҚА ТЎЛГАН»

Сирдарё вилояти ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 8 апрель сонида чоп этилган «Қўйнимиз пуч ёнғоққа тўлган» сарлавҳали танқидий мақолани жойида мутасадди ташкилот раҳбарлари билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳокимлик томонидан 1996 йил ноябрь ойида ишлаб чиқилган тадбирга асосан Сирдарё тумани, Сирдарё шаҳри, Мирзаобод тумани, Бахт ва Гулистон шаҳарлари ҳудудларидан ўтадиган «Катта Ўзбек тракти»ни кенгайтириш, аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ва йўл бўйларини ободонлаштириш мақсадида эски тўсиқлар олиб ташланиб, уйларнинг очиқ қолган жойларини ғиштдан тўсиқ қилиб, дарвозалар ўрнатиб берилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Д. ҚУЛМАТОВ.

«ҚАҲРАМОНИНИ КУТАЁТГАН ШОҲСУПА»

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1997 йил 10 апрель сонидаги «Қаҳрамонини кутаётган шоҳсупа» сарлавҳали мақолани кўриб чиқиб, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳозирги кунда шаҳримизда катта капитал қуйилмалар талаб қилувчи қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар бюджетига маблағ танқислиги ва чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда шоҳсупани олиб ташлаб, гулзор барпо этиш билан чекланишга қарор қилинди.

А. Фитрат ҳайкалини ўрнатиш масаласи шаҳар қурилиши ва қайта таъмирлаш сиёсатини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси А. МАҲМУДОВ.

ЙИЛИГА 200 ВАГОН ЁҒОЧ

Иқтисодиёт олами

Азим Сирдарёнинг соҳилларида минглаб гектарга чўзилган ўрмонзорлар бор. Табиатнинг нодир инъоми. Водийнинг ҳаво тозалагич — ўпкаси ҳисобланган бу жойларда бизнинг ўрмон хўжалигимиз жойлашган. Ушбу ўрмон хўжалигининг ташкил топганига шу йил роппароса 60 йил тўлди. 30-йиллар ўрталарида водий марказидаги кўчма қумларни мустаҳкамлаш учун Қизилқум бағридан саксовул уруғлари олиб келиб кўпайтирилган эди. Сирдарё атрофлари, Исфара қирлари этакларидаги минглаб гектар тўқай ва дашт-лардаги табиий ўрмонларни сақлаш ўрмончиларнинг асосий вазифаси бўлди. Шу билан бирга мавжуд ерларда кичик-кичик теракзорлар, боғ-лар, иҳота дарахтзорлари яратиш ҳам бошланиб кетди. 1970 йилларга келиб 500 гектардан ортиқ майдонда ёнғоқзор, бодомзорлар барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг саноатбоп тераклар ўстириш ҳақидаги қарорига мувофиқ Фарғона вилоятида 6 минг гектарга яқин теракзорлар барпо этилиши керак эди. Ҳозирга қадар ўрмон хўжалигимизнинг ўзида 1300 гектар теракзор яратилди. Дастлабки тераклар етилиб қолди. 1997 йилнинг ўзида 5 минг куб метр ёғоч-тахта ва улардан тайёрланган маҳсулотлар халққа етказиб берилди. Келгуси йилдан бошлаб ўрмон хўжалигимиз Ўзбекистон қурилишлари ва мебель саноатига йилига 10 минг куб метрдан ортиқ ёғоч етказиб беради. Бу эса 200 вагон ёғоч -тахта демакдир! Мамлакатимизнинг ёғоч мустақиллигини таъминлашга шундай ҳисса қўшмоқдамиз.

Жамоада мингдан ортиқ одам меҳнат қилади. Ўзимизда замонавий ёғоч-тахта маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона барпо этганмиз. Бу ерда ёғоч қутилар, стол-стул, хонтахта, каравот сингари 25 турдан ортиқ халқ истеъмоли моллари тайёрланмоқда. Бу йил шу корхонанинг ўзида 6 миллион сўмликка яқин маҳсулот сотилди. 700 тонна мева-чева етказилди. Ҳар йили 2 миллион тупдан ортиқ мевали — манзарали кўчатлар тайёрлаб, боғдорчилик хўжаликлари, аҳолига етказиб бермоқдамиз.

Режаларимиз улкан. Айни пайтда Аҳмаджон Жўраев, Фазлиддин Иброҳимов, Сайдулла Қосимов сингари Қўқон ўрмон хўжалигини ташкил этиш ва оёққа турғизишга бош-қош бўлган устоз боғбонларни фахр билан ёдга оламиз. Султонбой Ботиров, Исҳоқбой Ҳаитов, Ваҳобжон Намозов сингари илғор ўрмончиларимиз ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий усулларини жорий этиб, янги боғлар, теракзорлар барпо қилишга ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Хуллас, Қўқон ўрмон хўжалиги ходимларининг бебаҳо табиатимизни авайлаб-асраш, келгуси авлодларга ўзларидан боғроғлар қолдириш нияти астойдилдир.

Мансурхўжа ХЎЖАЕВ,
Қўқон ўрмон хўжалиги директори.

СУРАТДА: Намангандаги «Турк-Атлас» фабрикаси чевар ишчиси Сайёра ТУРСУНОВА. Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ, БИРОҚ...

«Ўзбекистон овози» ва Ўзбекистон телевидениеси қўшма рейди

Ёзги оромгоҳлар мавсумга шайми?

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили бошланди. Республикамиз мактабларида бу йил ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши мумкин бўлган 4 миллион 693 минг ўқувчи 1 — 9 синфларда таҳсил олади. Амалда улардан 375100 нафарининг ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариш имкониятлари мавжуд. Шундан 4 минг нафар ўқувчи Орол бўйидан (Қорақалпоғистон Республикасидан — 2500, Хоразм вилоятидан — 1500 нафар) келган болалардир.

Уларнинг кўнгилли дам олишлари учун республика Касаба уюшмаси федерацияси, «Ўзмаишийхизматкўрсатиш» уюшмаси, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» уюшмаси, «Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси, Ўзбекистон темир йўллари давлат акционерлик компанияси, бирлашма, ташкилот, вилоят ҳокимликлари, кўплаб жамғармалар сафарбар этилгандир. Республика «Соғлом авлод учун», «Қизил ярим ой», «Экосан», «Камолот», «Маҳалла» яна бир қанча жамоат бирлашмалари ҳам ўз ҳиссасини қўшяпти. Бугунги кунда оромгоҳларда тайёргарлик ишлари асосан тугалланди. Июннинг 3-5-8 кунларидан мавсум очилади.

Хўш, оромгоҳлар мавсумга тахтми? Шу мақсадда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган бир неча оромгоҳларда бўлдик. Сўлим тоғ ён бағридаги «Автомобилчи» оромгоҳидамиз. Оромгоҳни таъмирлаш ишларига 7 миллион сўм сарфланди. Маскан мавсумга шай.

«Технолог» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Камалак» оромгоҳи сари йўл олдик. Бу ерда мавсум 3 июндан бошланиб, у тўрт навбатда ишлайди. Оромгоҳнинг 10 гектарли майдонидаги мевали дарахтлар ҳосили иккинчи навбатдан бошлаб болалар дастурхонига тортила бошлайди.

Бўстонлиқ ва Хумсонда оромгоҳлар кўп. Улардаги мавсумга тахт ҳолатни кўриш оромгоҳнинг қаерга қарашли эканлиги, на оромгоҳ бошлиғи, жилла қурса қандай болалар бу ерда дам олишини аниқ айтиб беролмади. «Кичкина одамман, ҳеч гап айтолмайман»дан нарига ўтмай тураверди. Оддий фуқаро кийимидаги йигит эса ўзини «табиий офат назоратчиларимиз, бирор кор-ҳол бўлса, «катталарга» (боши билан қаёқнидир имлаб кўрсатди) хабар қиламиз». Бошлиқ ўзи умуман йўқ, қайсидир бошлиғимиз Алла Фёдоровна деган аёл, ҳозиргина кетди» дейди қоровул негадир бироз хижолат чекиб. Сўнгра қўшиб қўйди:

«Шабада» оромгоҳида бўлдик. Минг афсуски, «Шабада» ҳувиллаган «оромгоҳ»га айланиб қолган. Қаровсиз, таъмирланмаган, ўт-ўлан қоплаган. Қаршимизга бир йигит чиқди. Ўзини «қоровул» деб таништирди. Лекин на бу қувонарли, албатта.

— Ўтган йилиям ишламади. Қани энди иложини топиб очишса, етим болалар хурсанд бўларди-я...

Маълум бўлишича, «Шабада» Тошкентдаги 21-болалар уйига қарашли «оромгоҳ» экан. Аччиқ ҳақиқат: беором маскан бу!

Икки йилдан буён болаларни ўз бағрига ололмаётган «Шабада» бу йилги мавсумдаям ҳам очилиши даргумон.

Ёзги оромгоҳлардаги бундай камчиликлар фақат «Шабада»гагина хос эмас. Республикамизнинг баъзи бошқа вилоятларидаги «мавсумга шай»лик ҳолатиниям рисоладигидек деб бўлмайди. Қашқадарё вилоятида бу йил 75 та мактаб қошидаги оромгоҳ ишлайди. Бу бултургидан 43 та кам демакдир. Ёки 334 та меҳнат ва дам олиш оромгоҳининг бу йил бирортасиям мавсум учун режалаштирилмади. Худди шундай аҳволни Навоий, Самарқанд, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларидаги баъзи оромгоҳларда ҳам кузатиш мумкин.

Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидаги баъзи оромгоҳларда техник жиҳозлар эскирган, болалар кийимлари учун шкафу қутилар, стол-стулчалар тақчил.

Айниқса, пул ўтказиш йўли билан спорт, мусиқа асбоблари, аппаратура, электр хўжалик моллари сотиб олишдаги муаммолар ҳал этилмаган. Ўтган йили Фарғона ва Тошкент шаҳри оромгоҳларида учта бахтсиз ҳодиса рўй берганди. Бундан ўзларига тегишли хулоса чиқармаган баъзи раҳбарлар яна айнан шу камчиликларни бартараф этмаганлар.

Республика Касаба уюшмалари федерацияси шу мақсадларга ижтимоий суғурта бюджетидан 541 миллион сўм маблағ ажратди. Халқ банки болалар оромгоҳларига бозордан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишга нақд пул бериш масаласини ҳалиям тўлиқ амалга оширмай келяпти. Баъзи оромгоҳларда тиббий дори-дармон, бир марта ишлатиладиган шприцлар вақтида олинмаган. Давлат дорихоналарида эса бундай зарур дори-дармонлар ҳамиша ҳам топилавермайди.

Мавсум очилишига оз вақт қолди. Шу боис Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» давлат уюшмаси бу масалани ижобий ҳал этишларига имкон бор. Биринчи навбатда улгурилмаган яхши тадбирларни кейинги навбатларда амалга ошириш мумкиндир. Ҳечдан кўра кеч бўлса-да, «Шабада»га ўхшаш оромгоҳларнинг фаолияти юришиб кетса, болажонларнинг шодон қийқириғи билан яна олам нурланиб кетгандек бўларди.

Саида ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.
Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,
Ўзбекистон телевидениеси иқтисодий ижтимоий ва маърифат ижодий бирлашмасининг гуруҳ раҳбари.

1

Хеванинг 2500 йиллиги олдидан

ХИВА — ХЕВАМИ, ХИВАҚ ХЕВАҚМИ ЁКИ ПОЛВАНЁПМИ?

Хева Туронзаминнинг энг кўҳна шаҳарларидан ҳисобланади. Хоразм диёрининг бу гўзал шарқона шаҳри Самарқанд, Бухоро, Термиз, Нахшоб (Қарши), Тошкент ва Хўжанд каби қадимий ва бой тарихга эга. Ўтмишда Хоразм воҳасининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган бу тарихий шаҳарнинг номи X асрдан бошлаб ёзма манбаларда тилга олинади. Ўрта аср манбаларида у Хайвак, Хивак, Хива, Рамл шаклларида қайд этилади.

X аср араб географлари Истахрий Ибн Хавқал ва Муқаддасий асарларида Хоразмнинг ўша даврдаги йирик шаҳарларининг каттагина рўйхати келтирилади. Бу рўйхатда Хива шаҳри ҳам қайд этилиб, у тўғрида баъзи бир аниқ маълумотлар берилади.

Масалан, Истахрий «Китоб ал-масолик вал мамолик», «Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб» номли асарида Хоразмнинг ўша вақтлардаги йирик шаҳарларидан ўн учтасини номма-ном қайд этади. Шу жумладан, Кас, Дарғон, Хазорасп, Хива, Хушмисан, Ардахушмисан, Сафардиз, Нузвар, Кардаронхас, Кардар, Қарйа Баратегин, Мадминия ва Жўржания шаҳарлари санаб ўтилган. Бу рўйхатда тўртинчи ўринда қайд этилган Хива шаҳри ва унинг теварак атрофидаги экинзор обод ерлар Омулдан (Чоржўй) қуйида Жайхун (Амударё)дан бош олган шу номдаги каналдан суғорилган. Бу анҳор Хазорасп ва Кардаронхас номли суғориш тармоқларидан кенгроқ бўлиб, анҳор бўйлаб то Хива шаҳригача кемалар бемалол қатнаган.

Қадимги Хоразм шаҳарлари, хусусан Хива тўғрисида X аср араб географлари орасида, айниқса Муқаддасий бирмунча тўлиқроқ маълумот беради. У ўттиздан ортиқ Хоразмнинг йирик шаҳарлари номларини бирма-бир келтиради. Уларни Муқаддасий Амударёнинг ўнг ёки сўл қирғоқлари бўйлаб жойлашганига қараб икки гуруҳга ажратади. Унинг ёзишича, дарёнинг ўнг соҳилида Кас, Гардман, Ойхон (Вайхон), Арзахива (Ардахива), Нукфаг, Кардар, Миздахкон, Жашира, Садвар, Зардух, Қарйа Баратегин ва Мадминия каби 12 та шаҳар қад кўтарган эди. Амударёнинг сўл қирғоғи бўйлаб эса Журжания, Нузвар, Замахшар, Рузанд, Вазарманд, Даскахонкас, Рахушмисан, Мадамисан, Хива, Кардаронхас, Хазорасп, Жигарбанд, Жуз, Дарғон, Жит (Ғит), Кичик Журжания, Иккинчи Жит, Садфар, Масасан, Кардар ва Андарастан каби 21 та шаҳар жойлашган эди. Қизиғи шундаки, Муқаддасийнинг Хоразм шаҳарлари рўйхатида ном жиҳатидан бир-бирига яқин икки шаҳар: сўл қирғоқдаги Хива ҳамда ўнг соҳилдаги Арзахива шаҳарлари тилга олинади. Агарда Муқаддасийнинг ушбу маълумотига асосланилса, X асрда Хоразмда Хива номи билан аталган икки шаҳар: биринчиси Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Арзахива ёки Ардахива, иккинчиси дарёнинг сўл қирғоғида қад кўтарган Хива шаҳри мавжуд бўлган.

XIII аср муаллифи Ёқут Хамавий Хоразмнинг бу кўҳна шаҳарини Хайвақ шаклида қайд этади ва уни пойтахт шаҳар Касдан 15 фарсах (90-105 км) масофада жойлашган деб кўрсатади.

XVI — XVII аср ёзма манбаларида Хива шаҳари «Хивақ» талаффузида тилга олинади.

Ёзма манбаларда қайд этилишича XVII аср бошларида Хоразмнинг пойтахти Урганч шаҳридан Хивага кўчирилган. Бунинг сабабларидан бири Амударё оқимининг шимолга томон силжиб, қадимги пойтахтнинг асосий обиҳаёт манбаи ва сув йўли — Амударё ўзанидан узоқлашиб қолишида эди. Оқибатда Хива шаҳри XVII асрдан бошлаб хонликнинг маркази ва унинг пойтахт шаҳрига айланади. Б. Аҳмедовнинг аниқлашича, бу воқеа таҳминан 1610 — 1612 йиллар орасида содир бўлган.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган хивалик муаррих Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Хивақийнинг «Дил ғароиб» номли асарида келтирилган маълумотларга қараганда, Хива шаҳри дастлаб Рамл деб юритилган. Рамл атамаси арабча сўз бўлиб, «қумлоқ», «қумлик», «қумзор» ёки «қумтепа»лар билан қопланган жой деган маънони англатган. Қумлик ерларни араблар «Арзу Рамлиййату» — деб атаганлар.

Худойберди Хивақий шаҳарнинг барпо этилиши тарихи ҳақида сўз юритар экан, Хива номининг келиб чиқиши борасида хоразмликлар ўртасида кенг тарқалган ривоятни келтиради. Унда ҳикоя қилинишича, Хива шаҳрига Сом ибн Нух асос солган. Кунлардан бир куни Амударёнинг сўл қирғоғи томонида ясланган бепоён қумтепалар оралаб шикор қилиб толиққан Сом, овдан сўнг қумлик овлоқда ёнбошлаб уйқуга кетган. Тушида у ўзини ёниб турган 300 та машъала ўртасида кўрган. Тетик руҳ билан уйқудан бедор бўлган Сом ўзидан бир ёдгорлик қолдириш мақсадида бу ерга тупроқ тўшаб шаҳар бино қилган. Кейинги сафар бу ерга келганида шаҳар гирдини баланд девор билан ўраб, унинг ғарбий қисмида бир қудуқ қазиб сув чиқарган. Шаҳар худди шаҳон тўфони даврида Нух пайғамбар ясаган кема шаклида икки томонга чўзилган узун қилиб қурилган экан. Бу янги шаҳар орқали карвонлар қатнаб, йўл устида қазилган бу қудуқдан йўловчилар сув ичиб «Хей вах» ширин экан дер эканлар. Шундан кейин бу афсонавий қудуқнинг муздек тотли суви туфайли шаҳар «Хейвах», халқ талаффузида эса «Хейвак» деб юритилиб кетган экан.

Хива атамаси қандай йўсинда шаклланган ва у муайян маънога эгами? Маълумки, Истахрийнинг ёзишича, Хива ва унинг теварак-атрофидаги ерлар шу номдаги каналдан суғорилган. Демак, шаҳар ҳам ва уни сув билан таъмин этган анҳор ҳам бир хил ном билан, яъни Хива ёки Хивақ деб юритилган. Бироқ Я. Ғуломовнинг аниқлашича, ўрта асрларда жанубий Хоразм ерларини суғорган бу канал Хайконик ва Хаваний номлари остида тилга олинади. Бу атамалардан биринчиси — Хайконик дастлаб XIV аср вақф ҳужжатида, сўнгра эса Абулғозий Баходирхоннинг «Шажараий турк» номли асарида тилга олинади. Фикримизча, қадимги Хоразм тилига хос шакл ва талаффуздаги бу икки атама Хива шаҳарининг энг кўҳна номларидан бўлиб кейинчалик халқ талаффузида улар Хивақ ва Хива шаклларини олгани эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки «Хайконик» ва «Хайваник» атамаларининг этимологик талқини билан ушбу фикрни қанчалик тўғри эканини аниқлаш мумкин.

Ўрта асрларда ҳам гидроним, ҳам топоним сифатида ишлатилган Хайконик ва Хайваник атамалари икки ўзакли сўзлардир. Уларнинг ҳар иккисида ҳам бош ўзак «хай», кейингиси эса «кон» ва «ван» шаклдаги сўзлардан иборат. Атамаларнинг сўнгги бўғинидаги «ик» қўшимчаси аслида «ак» шаклида бўлган, у атамаларнинг морфемаси яъни сўз ясовчи компонентларнинг нисбат-сифатдир. Бу суффикс кичиклаштириш маъносини англатган. Агарда «Хайконик» ва «Хайваник» атамаларидан кичиклаштирувчи «ик» морфемасини ажратиб талаффуз этилса, у вақтда асосий лексема «Хайкон» ёки «Хайван» шаклида намоён бўлади. Ҳар икки бу атамаларнинг биринчи ўзагидаги «хай» композитининг охирги «й» ҳарфи кўпинча халқ талаффузида фонетик жиҳатдан ўзгариб «р» товуши билан ўрин алмашар ва «катта, улкан, йирик ёки буюк» каби маъноларни англатувчи «ҳар» шаклида ҳам сўз ясовчи композит тарзида истифода этилиб келинган.

«Хайкон» ва «Хайван» атамаларининг иккинчи компоненти — «кон» ва «ван» бирикмалари эса суғдийча «канта» ёки «канда» сўзидан ҳосил бўлган. Бироқ, шуни ҳисобга олиш жоизки, «Хайван» атамасининг «ван» шаклидаги иккинчи бўғинидаги «в» харфи «к» харфи билан ўрин алмашган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. У вақтда «Хайкон» ва «Хайван» шаклдаги ҳар икки атамаларнинг иккинчи ўзаги аслида «кон» ёки «кан» талаффузида бўлиб, бу сўзларнинг келиб чиқиши шубҳасиз, юқорида қайд этилганидек суғдийча «канта» ёки «канда» сўзига бориб тақалади. Бу сўз эса дарё, анҳор, сув, канал ёки шоҳариқ каби маъноларни англатган. «Кон» композити Зарафшон водийсида, хусусан Бухоро воҳасининг тарихий географиясида сўз ясовчи композит тарзида «кон, ком, кол, гон, ган, жон, жан» ва баъзан «хон, қон ёки қол» шаклларида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг айримлари ҳозирги вақтгача сув манбалари канал, анҳор ва жой номларида халқ лексикасида сақланган. Масалан, Шопурком, Коми-Акка, Кумишкон, Вобкан, Коми Абомуслим, Комот, Конимех, Коми Зар, Муҳкон, Арбинжон, Сомжон, Жондор, Колобод, Харқонруд, Қалқонота ва бошқа кўпгина гидроним ва топонимлар бунга мисол бўла олади. Шундай қилиб, юқоридаги таҳлилга асосланилса, «Хайкон» ва «Хайван» атамаларининг субстрати «Харкон» шаклда бўлиб, у «хар» — катта, йирик улкан, азим маънолари, ҳамда «кон» — сув, анҳор, канал тушунчаларига эга бўлган икки композитлар бирикмасидан ҳосил бўлган. Бундай шаклда у «дарё», «катта сув», «анҳор» Хоразм аҳолиси шевасидаги «арна» ёки «ёп» маъноларини англатган. Аммо бу борада яна шуни таъкидлаш жоизким, «Харкон» шаклида атама ҳали шаҳар номи сифатида тўла маъноси бермайди. Чунки у бу шаклда «Хайкон» субстратининг аслий талаффузи бўлиб, шаҳар номига тугал маъно берувчи от ясовчи «ик» суффиксига қиёсий нисбатдир. Фикримизча, қадимда «Харкон» деганда серсув Амударё назарда тутилиб, унинг сўл қирғоғидан чиқарилган канал-ёп, «катта сув — дарёдан бош олган кичик арна» маъносини англатувчи «Харконик» деб юритилган бўлиши эҳтимолидан узоқ эмас.

XIX аср солномаларида қайд этилишича, Хива ва унинг теварак-атрофларини сув билан таъмин этган бу каналгоҳ «Хайконик» ва гоҳ «Хайваник» номлари билан юртилган. Я. Ғуломов «Хайваник» атамаси «Хайконик» талаффузининг энг сўнгги бузиб айтилган шакли бўлса керак деган фикрни билдиради. Мунис ва Огаҳий асарларида эса Хайваник канали билан Паҳлавонёп канали битта канал деб кўрсатилади. Бу тўғрида улар «Хайваник ким Паҳлавон ёпига машҳурдир» деб таъкидлайдилар. Демак Мунис ва Огаҳий маълумотлари бўйича XIX асрдан бошлаб қадимги Хайваник канали Паҳлавонёп, халқ талаффузида эса Полвонёп номи билан шуҳрат топган. Охирги бу икки синонимик атамалар кучли, бақувват, забардаст ва баҳодир каби маънолар билан бир қаторда йирик, катта, баҳайбат сингари сифатларни ҳам белгилайди.

Ўрта асрларда Хайконик ва Хайваник кейинчалик Пахлавонёп ёки Полвонёп номлари билан шуҳрат топган Жанубий Хоразмнинг бу йирик суғориш тармоғи «Катта сувдан бош олган анҳор; дарёдан чиқарилган ёп; дарёдан ажралиб чиққан арна» маъноларини англатган синонимик атамалардир. Милоддан аввалги 1 минг йиллик ўрталарида бу каналнинг чап соҳилида қад кўтарган Хива шаҳрининг асли номи ҳам Хайконик (фонетик жиҳатдан) тўғри талаффузи Харконак шаклида бўлиб, бу ном «Дарёдан ажралган ёп бўйидаги шаҳар» маъносини билдирган «Харканаккат» шаклида бўлгани шубҳасиздир.

Ўрта аср ёзма манбаларида бу шаҳар Хивақ, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хива шаклида ёзилган. Шаҳар номининг Хивақ ва Хива шаклларида ёзилишининг пайдо бўлиши, фикримизча, «Хайваник» атамаси билан узвий боғлиқдир. Маълумки бу атама «Хай — ван — ик» каби икки ўзак ва «ик» шаклидаги кичрайтирувчи суффиксидан ташкил топган. Халқ талаффузида атаманинг биринчи «хай» бўғинидан «а», иккинчи «ван» бўғинидан «н» ва «ик» суффиксидан эса «и» ҳарфлари тушиб қолган. Натижада «Хайваник» атамаси «Хивак» шаклини олган. Кейинчалик атаманинг охирги «к» харфи «қ» билан ўрин алмашиб, ёзма манбаларда «Хивақ» шаклида қайд этилган. Хивак ёки Хивақ атамасидан охирги ундош ҳарфнинг талаффуздан тушиб қолиши оқибатида «Хива» номи юзага келган. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, қадимги «Хайконик» атамасида Хива шаҳарининг этимологияси, «Хайваник» атамасида эса Хива номининг аслий шаклларидан бири яширинган. Демак Хива — катта ёп соҳилидаги шаҳар демакдир, шунингдек Полвонёп — Хива шаҳрини суғорувчи катта сув, яъни катта анҳор демакдир. Дарҳақиқат ўрта асрларда Полвонёп Хоразм диёрида Амударёдан бош олган энг йирик суғориш тармоғи ҳисобланган. Демак, Хива номи Полвонёп бўйидаги шаҳар маъносини англатган.

Бу икки атамалар шакл ва талаффуз жиҳатидан бири иккинчисидан мутлақо фарқ қиладиган икки хил иборалар бўлсада, мазмун жиҳатидан маънодош бўлган синонимик топонимлардир. Хива — катта сув, Полвонёп — катта анҳор демакдир.

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ.



КЎҲНА ВА НАВҚИРОН ХЕВА. Муҳаммад АМИН олган сурат.

2

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

«ТАЙМС» газетасининг ёзишича, Жанубий Африка Республикаси армияси ўз ихтиёридаги пиёдаларга қарши миналарни йўқ қила бошлади. Ҳокимият вакилларининг мўлжалларича, Алькантплан полигонида қарийиб 250 минг мина йўқ қилинади. Шуни эслатиб ўтамизки, шу йилнинг февраль ойида Жанубий Африкада пиёдаларга қарши миналар ишлаб чиқариш ва уларни синовдан ўтказиш ман қилинган эди. Мина ишлаб чиқарадиган жаҳондаги 50 фирмадан 46 таси ҳозирги пайтда уни ишлаб чиқармаяпти. Бироқ шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, қуролнинг ана шу туридан дунёда ойига 2 мингга яқин киши ҳалок бўлаётир.

* * *

«ЖЕРМАНИ ЛАЙФ» газетаси Россия жамиятидаги иқтисодий аҳволга бағишланган мақола эълон қилди. Газетанинг маълумот беришича, 30 миллиондан зиёд россиялик бугунги кунда қашшоқлик чегарасида кун кўраётир. Шу билан бирга уларнинг 14 миллионга яқини турли ижтимоий келишмовчиликлар натижасида уй-жойидан, ишидан маҳрум бўлиб, дайдилик ва гадойчилик билан шуғулланишга мажбур бўлаётирлар. Газетанинг таъкидлашича, яқин келажакда ишсизликнинг янада чуқурлашуви ҳамда Россия ҳукуматининг уқувсиз фаолияти туфайли янада мураккаб вазият юзага келиши мумкин. Энг хавфлиси шуки, деб ёзади газета, юз бераётган салбий ҳолат туфайли Россия ўзининг катта ёшдаги фуқароларинигина эмас, балки болаларни ҳам ижтимоий ҳимоя қила олмаслиги мумкин.

* * *

«ДЕЙЛИ ТЕЛЕГРАФ» мухбири Буюк Британияга келган муҳожирларнинг бу ерга ўрнашиб қолиши муаммоларига бағишлаб мақола ёзди. Хитойликлар ва африкаликлар бу мамлакатга тезроқ ўрнашиб олишаётир. Одатдагидек улар яхши иш ҳақи тўланадиган иш жойига ва шахсий уйларга эга. Улар орасида ишсизлик миқдори анча паст. Улар мамлакатнинг ўртаҳол фуқароларига айланганларига анча бўлди. Аксинча покистонликлар ва ҳиндистонликлар Буюк Британияда унчалик қўним топишолмаяпти.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

☑ *Париж шаҳрида Франция — Россия ўртасидаги инвестиция ҳамкорлиги ҳафталиги очилди.*

* * *

☑ *Пекинда Шимолий Кореяга тезкор озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш бўйича шартнома имзоланди.*

* * *

☑ *Майор Жонни Пол Корма ўзини Сьерра-Леоне Республикасининг янги раҳбари, деб эълон қилди.*

* * *

☑ *Словакиянинг НАТОга аъзо бўлиб кириши мумкинлиги ҳақидаги референдум муваффақиятсизликка учраганлиги мамлакат сиёсий доираларида турли келишмовчиликларга олиб келди.*

* * *

☑ *Чехия ҳукуматининг уч аъзоси ўзлари эгаллаб турган лавозимдан кетишларини эълон қилишди.*

* * *

☑ *Миср Президентининг Исроил Бош вазири билан учрашуви Миср Араб Республикасининг Шарам Аш-Шайх шаҳрида бўлиб ўтди.*

* * *

☑ *Грузия полицияси Мустақиллик кунида муҳолифларнинг кескин чиқишларига йўл қўймади.*

* * *

☑ *Синтре шаҳрида уюштириладиган Шимолий Атлантика кенгаши Мадридда бўлиб ўтадиган йирик учрашув олдидан ҳал қилувчи тайёргарлик босқичи бўлади.*

* * *

☑ *Леонид Кучма Болтиқбўйи мамлакатлари, Польша ва Украина раҳбарларининг учрашувида қатнашиш учун Таллинга келди.*

Сайёрамиз софлиги учун

ТИНЧЛИКСЕВАР ХАЛҚЛАР ОРЗУСИ

Бугунга қадар кимёвий қуролларни Конвенция қилиш жаҳон бўйлаб давом этмоқда. Бунинг туб маъноси шуки, халқаро майдонда кимёвий қуролларга чек қўйилмас экан, ер юзида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мушкул.

Америка Президенти «Биз аскарларимизни жанговар қуролнинг энг даҳшатли турларидан биридан халос этган ва энг муҳими, халқаро жабҳада оммавий қирғинга қарши курашда етакчилик қилган бўлар эдик» деди.

Дарҳақиқат, бундай йўл тутилиши нафақат АҚШ, балки бутун Ер юзи аҳли учун ҳам ҳаво билан сувдек зарур.

Кимёвий қуролларни Конвенция қилиш борасида АҚШ давлат котиби Олбрайтнинг фикрича, қуролсизланишни назорат қилишда Америка етакчи ўринга чиқиши лозим. Чиндан ҳам АҚШ Сенати жаҳонда тинчликни таъминлаш учун катта имкониятларга эга.

Сенат қўмитасида АҚШ давлат котиби кимёвий қуролларни чеклашга жуда катта эътибор қаратиб, шундай деди: «Агар Америка кимёвий қуролларни Конвенция қилишдан четда бўлса, Эрон, Ироқ ва Ливия каби давлатлар кимёвий қуролларни ман қилишни қўллаб-қувватламайдилар».

Шу пайтгача ҳам 165 мамлакатда ядро қуролини чеклаш, тарқатмаслик масаласи ўртага ташланиб ҳал қилинган. 74 та мамлакатда эса аллақачон кимёвий қуролларни Конвенция қилиш амалга оширилган. АҚШ ҳам шу йилнинг апрель ойида Сенат қўмитасида бу муаммони кўриб чиқиб, ижобий ҳал қилди.

Конвенцияга кўра, бу қуролни умуман қонун ва қонундан ташқари сақлаш ва ишлаб чиқариш ман этилиши керак. Бу нафақат Америка, балки бутун тинчликсевар халқлар орзуси, истаги бўлиб қолаётир. Инсоният ҳамиша тараққиёт сари юз тутар экан, урушга, кимёвий қуролларни сақлаш ва қўллашга қарши бўлиб келган.

Жаҳон матбуот хабарларига кўра, Билл Клинтон Сенатдан қўшимча 225 миллион доллар маблағ ажратишни сўраган. Бу маблағ асосан кимёвий ва биологик ҳужумга қарши аскарларни интенсив тайёрлаш дастурлари учун харж қилинади.

Каримжон НОРМАТОВ.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

ЧЎНТАККА ҲАМ, СОҒЛИҚҚА ҲАМ ЗАРАР

Юраги операция қилинган беморларни касалхонада узоқ вақт ушлаб туриш шарт эмас. Америкалик шифокорлар кўп йиллик кузатишлар натижасида шундай хулосага келдилар. Уларнинг фикрича, юрак операциясидан сўнг ўзини тутиб олиш учун беморга атиги 5 кун кифоя экан.

Америка шифохоналарида беморлар даволаниши учун суткасига 1300 доллар тўлайди. Яъни, бемор учун шифохонада узоқ ётиш ҳам соғлиққа, ҳам чўнтакка зарардир.

ИЛК ТАНИШУВ

Бразилиялик таниқли эколог олим Сидней Поссуэлу бошчилигидаги экспедиция аъзолари Аризона штатидаги Алту-Солимоис туманида номаълум ҳинду қабиласига дуч келди. Қизиғи шундаки, бу ҳиндулар шу пайтгача оқ танли одамлар билан мулоқотда бўлмаган экан.

Ўзларини «Крабуслар» дея атовчи бу қабила аъзолари оқ танли одамларни кўриб, худди ёвуз душманга рўпара келгандек сергакланди. Экспедиция аъзолари йўлбошловчи ҳинду орқали уларга совғалар бериб, ўзларининг ёмон ниятда эмаслигини англатганидан сўнг ёввойи ҳиндулар қуролларини туширдилар.

«ОЙИ»СИНИ ШКАФДАН ҚИДИРДИ

Бувим доим калитни қидиргани-қидирган. Қўйган жойини эслолмайди. Шунинг учун мен калитга тақиладиган «брелок» олиб келиб бердим. Энди бувим овоз берса бас «брелок» қаердалигини билдириб, автоматик сигнал беради. Қизиғи шундаки, бувим «брелок»ни «ойи» деб чақирадиган бўлибди. Шундай деса у жавоб беради.

Бир куни ўртоғим кўчада мени кўриб, чеккага торттида, «Бувингга кўз-қулоқ бўлиб тур. Бу ёғи қаричилик, унинг устига мияси ҳам сал...» деди.

— Нималар деяпсан, — ҳайрон бўлдим мен.

— Ахир бувинг «Ойи, қайдасиз? Овоз беринг!» деб шкаф ва қутиларнинг ичини титкилаб юрибди. Шунинг учун кўз-қулоқ бўлиб тур деяпман-да.

Гап нимадалигини билиб, қотиб-қотиб кулдим.

Андреас ЗИЛЬХЕР.
Германия, Гамбург.

«ИККИМИЗГАЯМ ЕТАДИ»

Нью-Йорк университетининг биринчи курсига ўқишга кирганимдан ўзимда йўқ хурсандман. Бироқ дарсликлар олишга 300 доллар кетишини эшитиб, анча эзилдим. Тушкун кайфиятимни кўриб, ёнимдаги ётоқда яшовчи курсдошим деди:

— Кўриб турибман, дарсликларга кетадиган пулдан иқтисод қилиб қолмоқчисан, шундайми? Унда эшит: бизнинг дастуримиз бўйича ўқиган иккинчи курс талабаларидан бирини топ ва китобларни ўшандан арзонга олиб қўя қол.

Мен икки кун овора бўлиб, иккинчи курс талабасини топдим ва барча дарсликларни атиги 125 долларга сотиб олдим. Бу ишимдан ўзим ҳам жуда қувондим. Ўз ўрнида маслаҳат берган курсдош оғайнимга ҳам миннатдорчилик билдирдим.

Ўқиш бошланишига бир кун қолди. Ўша оғайнимнинг хонасига чиқсам китоблар токчаси бўм-бўш, ҳалиям бирорта дарслик олмабди.

Ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Ахир эртага ўқиш бошланади, нима, умуман китоб олмоқчи эмасмисан?

— Тушунмадим, мен нима қиламан олиб, ахир сеники бор-ку! Улар иккимизгаям етади.

Стивен КАРЧИНСКИ.
Нью-Йорк.

ГАП «А» БИЛАН ТУГАМАЙДИ

Узоқдан келган меҳмон Гарвард университети толибидан сўради:

— Узр, Уиденер кутубхонаси қаердалигини айтолмайсанми, а?

— Сэр, — деди толиб, — сиз бу ерлик эмаслигингиз билиниб турибди. Гарвардда сўз охирига «а» қўшимчаси қўшилмайди.

— Ҳм-м, шунақами? Ундай бўлса саволимни яна такрорласам. Уиденер кутубхонаси қаердалигини айтолмайсанми, а, мишиқи?

Чарльд ОСГУД.
Гарвард.

Шунақасиям бўлади

«ФИКРЛАШНИ ЎРГАНИНГ»

— Ушбу дарслик биринчи ярим йиллик учун тавсия этилади, — деди дарснинг биринчи куни политология бўйича профессор ўқитувчимиз. — Бироқ бу китоб деярли керак бўлмайди, негаки, мен биринчи навбатда сизларни фикрлашга ўргатаман.

Мен пул сарфлаб бу кераксиз китобни сотиб олганимдан хафа бўлиб қўлимни кўтардим.

— Демоқчисизки, 22,5 долларга олган ушбу китоб энди керак эмас эканда?

— Яхши, яхши, — деди профессор кулимсираб. — Сиз айнан мен ўйлагандек фикрлай бошлаяпсиз. Бошқалар ҳам фикрласин, сўнг китоб бўйича дарс ўтаверамиз.

Эрл У. ХЕНСЛИ.

Рукн материалларини Уматали ТЎРАХОНОВ саралади.

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 29-may, payshanba № 62 (22.146).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М.ҚУРБОННИЁЗОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Спорт

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРМИЗМИ?

Республика миллий олимпиада қўмитасида спорт журналистлари билан учрашув бўлди. Қўмита президенти Собиржон Рўзиев мамлакатда маҳоратли олимпиадачиларни тарбиялаш, халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир ёшларни саралаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, эришилаётган натижалар самарали бўлаётгани ҳақида сўзлади. Хусусан, Алматида Марказий Осиё ўйинларини ўтказилиши, унга тайёргарлик ҳақида мулоҳаза юритилди. Юртимизда спорт ишлари қанчалик яхши йўлга қўйилса, уни тарғибот қилиш ҳам шунга яраша бўлиши керак. Бундай савобли ишда спорт журналистларининг ўзига хос вазифалари бор. Шу мақсадда миллий олимпиада қўмитаси қошида спорт журналистлари уюшмасини тузиш, вилоятларда ҳам бу борадаги ишларни жонлантириш зарурлиги ҳақида таклифлар айтилди.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР ҒОЛИБЛАРИ

Андижон шаҳрида мустақилликнинг 6 йиллигига бағишланган халқаро бокс мусобақаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Мамлакат биринчи терма жамоаси умум ҳисобда биринчиликни эгаллади. Ҳал қилувчи учрашувларда эса фарғоналик Дилшод Йўлдошев, тошкентлик Алишер Раҳимов, андижонлик Темур Туляков ҳамда унинг ҳамшаҳри Тўлқин Турғунов билан Муҳаммадқодир Абдуллаев, бухоролик Наримон Отаев, яна андижонлик Ўткирбек Ҳайдаров, тошкентлик Ян Куликов, андижонлик Сергей Михайлов билан Руслан Чагаевлар вазнларга кўра ғалаба қозонишди. Энг оғир вазнли Лазизбек Зокиров эса қозоғистонлик Мухторжон Делдабоевни мағлубиятга учратди. Ғолибларга эсдалик совғалари ҳамда «Тико» енгил машинаси инъом этилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

СУБҲИ СОДИҚ ВАТАН ДЕБ УЙҒОН!

ОҚИБАТ

Келдим жаҳона ўргулиб, парвона бўлдим оқибат,
Бошга минг бир савдосидин ҳайрона бўлдим оқибат.

Кезиб кўнгил мулкиниким дўст топмадим ғамдин бўлак,
Юз жабри-ю жафосига дучона бўлдим оқибат.

Кимни дўст деб дилим очсам, ичирди ашк шаробини,
Ғурбату макр сабоғидин фарзона бўлдим оқибат.

Аҳли фозил кўнглигаким, оқимига телбаликлар шон бўлди,
Чиқиб икки дунёсидин бегона бўлдим оқибат.

Қўйгил дунё андуҳини ғам демагил, арзимагай,
Сиғмадим ер маъвосига осмона бўлдим оқибат.

Кўнгил, жону жаҳондин кеч, лекин элдин кечмагил,
Эл демаса Сени магар, вайрона бўлдим оқибат.

Эй, менинг бахту қувончим, ғамгусорим гул Ватан,
Оҳ, уриб ишқингда ҳур Фарғона бўлдим, оқибат.

ЎРДОҚЛАБ ЎТ

Офтоб мисол ёниб ўтгил,
эй кўнгил сен чарақлаб ўт.
Ғурбатларнинг ёриб кўксин,
олмосдай ҳур ярақлаб ўт.
Ғафлатлардан кўзинг очгил,
нури ҳидоятлар сочгил,
Лайли наҳор бўлиб бедор,
юлдузлардай ки чақнаб ўт.
Элим деб уйғонар бўлсанг,
Ватан деб тўлғонар бўлсанг,
Ўздин кечгил бу юракни,
бу умрни чақмоқлаб ўт.
Мол дунёга қўймагил зеб.
камтаринлик илкидан ўт,
Ҳақиқат пойу пиёда,
холини бир сўроқлаб ўт.
Яхшилик туғини кўтар,
Ватан учқуни эрсанг гар,
Фарзандликни номин оқлаб,
одамийликни ёқлаб ўт.
Келди ҳуррият замони,
чароғон эт бу давроннинг
Энахон, ишқ, номус оринг,
истиқлолинг ардоқлаб ўт.

ЮЛДУЗЛИ ОНЛАР ШУКУҲИ

Илгариги фестивалларидан бирида юртимизга келган япон кино актрисаси Комари Курихаранинг журнал муқовасида жуда гўзал сурати чоп этилганди. Ўша суратни кўрган онам: «Қизгинам-ей, агар сен исмини айтмаганингда мен бу чеҳраси очиқ аёлни ўзбек деб ўйлаган бўлардим. Кулиб туриши бизнинг қизларимизга ўхшаркан!» деганди. Ҳа, табассумлар ўхшаш, бахтиёрлик ҳар юракка хос, шодлик эса миллит танламайди. Пойтахтимизда ўтказилаётган XII Халқаро кинофестиваль тантаналарида ҳам бу кун қалблар ўзаро ҳамоҳанг, кулгулар чеҳраларни забт этиб, меҳр тафти юраклардан юракларга кўчмоқда. Фестивални соғиниб қаршилаган юртимиз аҳли ўзлари севган жаҳон киноси юлдузлари билан дийдорлашмоқда, улар билан учрашиб мулоқотда бўлишмоқда. Шу жиҳатдан кўнгиллар бир-бирига яқин, орзулар гўзал, режалар янада улкан, эзгу-мақсадлар эса муштаракдир.

Халқаро миқёсдаги кинофестивалнинг ўтказилаётгани аслида Президентимизнинг 1996 йил 29 апрелдаги миллий кинони ривожлантириш ҳақидаги қарори давомидек бўлиб туюлади, менга. Чунки, анжуманга ташриф буюрган Америка, Япония, Италия, Хитой, Покистон, Франция, Туркия, Малайзия, Англия, Германия, Бангладеш, Ҳиндистон ва бошқа турли давлатлардан келган кино усталари ўзаро фикрлашадилар, жаҳон киночилиги олдида турган муаммоларни биргаликда ҳал этадилар, ҳамжиҳатлик ила кино санъатининг юксалишига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Шунингдек, фестивалда БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИКА сингари йирик халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳам иштирок этаётгани бу анжуманнинг кино келажаги учун муҳим аҳамиятга молик эканини ифодалаб турибди.

Фестиваль экранига ҳавола этилган фильмлар ранг-баранг. Юртимиз киносеварлари ўтган ҳафта давомида пойтахт экранларида жуда кўп давлатларнинг энг яхши деб топилган фильмларини мириқиб томоша қилдилар. Булар ичида Покистон киноижодкорлари томонидан яратилган «Саргам», Ҳиндистонликларнинг «Раджа ва Жани», «Севги тарихи», Американинг «Ҳалокатли кафолат», Франциянинг «Севги, ҳаёт ва ўлим», Туркиянинг «Қасос», Японияниг «Мовий дарё», Польшанинг «Аквариум», Жанубий Кореянинг «Алвидо, севгилим», Англиянинг «Орландо» ва бошқа турли-туман фильмлар бор эди. Ўзбекистонлик кино усталари эса фестиваль танловига «Буюк Амир Темур» киноэпопеясининг «Ватан озодлиги йўлида» икки қисмли фильмини ҳавола этишди. Улуғ бобокалонимизнинг 660 йиллигига бағишланган бу асар республикамизнинг кўплаб қишлоқ, туман ва шаҳар киноэкранларида намойиш этилиб, халқнинг холис баҳосига сазовор бўлганди.

Санъат ҳамиша халқ билан бирга яшайди. Кино санъати эса жамиятимизни, умуман инсоният оламини ёритиб боргувчи ойнадир. Биз бу ойнада барча халқларнинг миллий маданияти ва миллий маънавиятини кўришга муваффақ бўламиз. Шундай экан, кино анжуманининг ўтган ҳафтадаги шукуҳли онлари ҳар биримизга беҳад шодлигу ҳаяжонлар ато этди, ёқимли хотиралари эса узоқ вақтгача қалбларимизда яшайди. Юлдузли дамларнинг ҳар сонияси жаҳон киносини янада равнақ топтиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, деб умид қиламиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

СУРАТЛАРДА: фестиваль иштирокчилари.

С. ЗУФАРОВ ва Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Мулоҳаза

НОН ВА ИНСОНДАН УЛУҒ НАРСА БОРМИ?

Нон ҳақида кўплар ёзган, кўп ёзган.

Бир бой донога: «Бойлик етади менга, эл қатори бўлсам» дебди. Доно: «Унда туянинг устида нон е» дебди.

Нонинг ушоғини туширириб қўйган туякаш бой туя устидан тушиб, ушоқ устига тупроқ уйиб кетгани ҳақидаги ривоят барчага маълум. Доно унга: «Сен ҳеч қачон камбағал бўлмайсан» дебди. Нонинг уволи ҳақидаги гаплар-чи...

Халқимизда: «Онангни елкангда тутсанг, синглингни бошда тут»деган нақл бор. Яъни, сингил бировнинг хасми. Шу боисдан сингилга меҳрибон бўлмоқ шарт. Агар эр киши буғдойзорни оралаб ўтса, бошоқларни эзгани учун гуноҳкор ҳисобланади. Мабодо у синглисини кўргани ғаллазордан ўтса, гуноҳ ҳисобланмас экан!

Ривоят қилишларича, бир хонадонда ёлғиз қолган қария уй шипига яқин илиб қўйилган нонни олишга сира бўйи етмабди. Шунда қўлидаги китобларни оёғи остига қўйиб, нонни олган экан. Яъни, нон шу қадар азиз ва мўътабар!

Энди инсон — табиат гултожи, жамики маҳлуқлар — жонзотларнинг султони, деймиз.

«Инсондан ҳам улуғ нарса борми?» деб сўрашганда машойихлар: «Ҳа, бор, инсонийлик — инсондан ҳам улуғ», — дейишган экан.

Аслида ҳам инсонни бошқа бутун жонзотлардан айрича, юксак мартабали қилиб турган фазилат ва хусусияти бу — инсонийликдир!

Кимда асли ҳамият йўқдир.

Четдадир назардан ҳам, *— деганда шоиримиз ҳақ эди. «Хунук аёлнинг хунуклигини унинг инсоний фазилатлари ювиб кетади, уни жозибали қилиб кўрсатади», — деган эди Абдулла Қаҳҳор.*

«Қизларнинг хунуги бўлмайди. Уларнинг инсоний иффатлари ўзи бир гўзалликдир» — Саид Аҳмад ҳам ҳақ! «Қиз ўсган жойда муаттар ҳид қолади» дейди у.

Ҳамид ИКРОМОВ.

ВАТАН ДЕ КЎНГИЛ...

Субҳи содиқ
Ватан деб уйғон!
Халқим дея қўлингни очгил.
Ва кўксингда ҳилпираб турган
Эрк туғига манглайинг босгил.

Куйласанг гар куйла
Ватан деб,
Жон мулкининг кўзларига сурт.
Юрагингда ирмоқдай оқиб,
Қуёш каби балқиб турсин юрт.

Амир Темур қўллади шукр.
Момоларим бўлди мададкор,
Бахт ояти лайлатулқадр —
Она юртим бўлдинг ҳур диёр.

Ватан яратгандан иноят.
Пешонамга Оллоҳ битган нур.
Ёруғ ишқим, ёруғ қувончим,
Ягонадир, Ватан биттадир.

Субҳи содиқ Ватан деб кўз оч,
Субҳи содиқ Ватан деб сўз оч.
Истиқлолга, иқболга ривож —
Субҳи содиқ дуога қўл оч!

Бисмиллоҳ де... Оллоҳга йиқил,
Ва Ватан де, Ватан де кўнгил.

Шеър ва шуур

ИСТИҚЛОЛ МУЖДАСИН КЎЗГА СУРТИБ

Истиқлол муждасин кўзига суртиб,
Баҳор нафасига интизор етиб,
Кўксидан минг йиллик аламлар кетиб,
Қайта ҳур туғилган жон Ўзбекистон!

Буюк ёлғонлардан кечиб халқ бўлдинг,
Бир халқ бўлдинг элим, бир зум алп бўлдинг,
Бошинг тошга тегиб, кейин ҳақ бўлдинг,
Истиқлол муборак, бу кун онажон?

Сендан қадрлироқ бўлиб бир кўсак,
Муз қотган кўлчалар тилаб бир тилак,
Тилагинг ижобат бўлди-ку, бешак,
Озодлик муборак, азиз болажон?

Бахтинг осмонида Чўлпон каби тўл,
Бир осмон бўлгил-ей, лайлак уя бўл,
Кўнглингдан ғуборлар тўкилиб бир кул
Синглим муборакдир сенга бу осмон!

Амир Темур бобом, Навоий бобом,
Дуоларинг бизни қўлласин мудом.
Қутлуғ ўзбек юрти бўлсин пурқадам,
Бегим, ҳур кунларинг муборак ўғлон!

Озурда кўнглимга туғёнлар келур,
Эгилиб-юкиниб осмонлар келур,
Минг йиллик иймонлар, уммонлар келур,
Ҳуррият муборак, аҳли Туркистон!

УМИД

Умр фақат бир бор берилган имкон,
Ялпиз бўлиб унмоқ, гул бўлиб унмоқ.
Кетсанг гар ортингдан тўкилсин эҳсон,
Ортингдан бир бора ҳўрсинсин офтоб.

Умр фақат бир бор берилган имкон,
Гард эмас, юрагим бўлгил буюк дард.
Ортингдан оҳ тортиб, бўзласин осмон,
Ортингдан бош урсин қолаётган бахт.

Умр фақат бир бор берилган имкон,
Парчалаб-парчалаб юракни ёқмоқ.
Бошингдан ғурбатлар арисин даврон,
Доғларингни яшир ўшал кун моҳтоб.

Умр фақат бир бор берилган имкон,
Бу дунё устидан қаҳқаҳа ур, кул.
Бир нафас сукутда қолсин бу жаҳон,
Ортингдан эзилиб йиғласин бир гул.

Сўнгги кун... ортингдан энг сўнгги имкон—
Сочин ёйиб, майли изтироб борсин.
Ҳақнинг дийдорига ўшал кун армон, —
Ғамлар тобутингни кўтариб борсин.

Ўшал кун, ўшал кун...
шивирлай бошлар,
Сукунат дорига осилган тилинг.
Шеърларингни ўқиб, кўзини ёшлар, —
Жасадинг устида уйғонар элинг.

ЁМҒИР БЎЛИБ ЁҒИБ ЎТСАМ

Армони йўқ, хушхони йўқ бўстонларга,
Бошинг урсанг етмагучи осмонларга,
Жафоларда гулдек кўнгли самонларга,
Ёмғир бўлиб ёғиб ўтсам, ёғиб ўтсам.

Манглайига тўрлар битган Оролимга,
Нортуядай чўкиб ётган Оролимга,
Юрагига армон ботган Оролимга,
Ёмғир бўлиб ёғиб ўтсам, ёғиб ўтсам.

Келган эдинг бу дунёга иа деб кўнгил,
Бир навосиз булбулчалик йўқми ҳолинг,
Юрагингдан ғуборларни ювсам, синглим,
Ёмғир бўлиб ёғиб ўтсам, ёғиб ўтсам.

Қалб кўзини қумлар босган ғофилларга,
Ўз элини кўкартирмас бахилларга,
Халқ ғамини унутган у фозилларга, —
Ёмғир бўлиб ёғиб ўтсам, ёғиб ўтсам.

Тулпорларга минг йилларки боғлов турган,
Ҳулкарларга кўз ёшларни тунлар ювган.
Ифорларга бир чорбоғни жондан суйган, —
Ёмғир бўлиб ёғиб ўтсам, ёғиб ўтсам.

Қалдирғочлар ин қурмаган айвонларга,
Лайлак уя бўлмаган қалб-эҳромларга,
Молу давлат, мартабага, ғуломларга, —
Ёмғир бўлиб ёғиб ўтсам, ёғиб ўтсам.

Фотиҳалар беринг, она имконларга,
Айлансин — эй диллар жаннат маконларга,
Соғинч тўкай Олтиариқ томонларга, —
Ёмғир бўлиб ёғиб ўтсам, ёғиб ўтсам.

Энахон СИДДИҚОВА.

ГУЛГА ЎРАЛАЁТГАН ШАҲАР

Бухоронинг 2500 йиллиги олдидан

Донги етти иқлимга кетган Бухоро шаҳрининг бугунги жамоли таниб бўлмас даражада ўзгараяпти. Бир томонда асрлар силсиласидан сўзлаб турган меъморий обидаларда таъмирлаш ишлари авжига чиққан бўлса, иккинчи томонда янги йўл ва хиёбонлар бунёд этилаётгани қувонарли. Файзулла Хўжаев, Фитрат каби алломаларга атаб бунёд этилган хиёбонлар кўҳна шаҳар ҳуснига ҳол бўлиб тушгани бир мўъжизадир. Саковим каналининг қайта таъмирланиши эса ер ости сизот сувларининг обидаларга хавфини анча пасайтирди.

Шу кунларда шаҳар кўкаламзорлаштириш хўжалиги жамоасининг қўли-қўлига тегмайди. Чунки, катта юбилей тадбирларига кўра, шаҳар кўча ва хиёбонлари турли анвойи гулларга бурканиши керак. Шу мақсадда ҳам кенг кўламда ишлар олиб бориляпти.

— Ҳозиргача 14 та кўча атрофидаги майдону хиёбонларга қарийб саккиз минг дона мевали ва манзарали ниҳоллар ўтқазилди, — дейди хўжалик раҳбари Муҳаммад Жумаев, — уларнинг ҳаммаси кўкарди. Қарийб 40 минг дона ҳар хил атиргул кўчатлари экдик. Бундан ташқари, бир йиллик ўзимизнинг табиий шароитимизга мос нозбўй, намошомгул, гултожихўроз сингари гул уруғларини ерга сочгандик. Ҳозир улар шаҳарга ҳусн қўшяпти.

Хўжалик аъзолари шаҳарни гулга ўраш билан бирга аҳолига ҳам гул етиштириб беряптилар. Ахир, хонадон гулсиз бўлмайдику! Тувакларда ўстирилган гуллардан (улар 50-60 хил) ташкилот, корхоналарга, аҳолига сотилмоқда. Бу 35 минг тупни ташкил этаётгани Бухоро гуллар шаҳри эканлигидан далолат беради.

Ҳа, бугун қадимий шаҳар гулларга бурканяпти. Гулдан либос кийган шаҳар эса қаримайди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Гентинг Индах»
компаниясининг расмий вакили
хорижий мамлакатлардаги ўқув марказлари, мактаблар, коллежлар, олий ўқув юртлари, университетларда ўқишни, шунингдек, сиртқи масофали (дистанционли)
ўқишни таклиф этади.

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.
Ўқиш учун:
**Билимлар олдиндан чамаланади.*
**Ўқув юртлари, уларнинг ўқитиш соҳалари, шакллари тўғрисидаги маълумотлар берилади.*
**Мослашиш ва бошқа масалалар тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатилади.*
**Ихтисослик ва тил ўрганиш тайёргарлиги синалади.*
**Ҳужжатлар расмийлаштирилади.*

Телефонлар: 680-986, 356-974.
Манзил: Тошкент ш, Оққўрғон кўчаси, 2-уй.
Физкультура институтининг тиллар кафедраси.

"ФАЙЗ"

ҳиссадорлик жамияти ўз акцияларини очиқ сотилишини эълон қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Массон кўчаси 1- уй.

Телефонлар: (3712) 58-12-22, 58-12-24.